



**қилиш ҳамми?” деб сўралди. У зот: “Ҳа, Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилиш ҳам. Фақат бир киши ўз жони ва моли билан чиқиб, ундан бирон нарчасиз қайтиб келса, бундан мустасно”, дедилар”** (Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Доримий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти. Ривоят лафзи Абу Довудга тегишли).

Ҳадисдаги “ўн кунлик” зулҳижжа ойининг ўн кунлигидир. Бу нарса бошқа ривоятларда аниқ айтилган. Жумладан, Ибн Ҳиббон ва Абу Авона келтирган ривоятда “Аллоҳ даргоҳида зулҳижжанинг ўн кунидан афзал кунлар йўқ”, дейилган.

Бу ўн кунликда солиҳ амалларга тарғиб қилинишидан мақсад шуки, ундаги амаллар Аллоҳ учун энг севимли саналади. Бунинг ҳикмати ва сабаби ёлғиз Аллоҳгагина маълум. Бандалар буюрилган ишни адо қилишлари билан кўп мукофот ва савобларга эришадилар. Биз Зулҳижжанинг аввалги ўн кунлиги афзал кўрилишидан кўзланган ҳикмат борасида шуни айтамикки, ўша кунларда ҳожилар ҳаж амалларини бажараётган бўладилар, кунларнинг энг улуғи Арафа ва Қурбон ҳайити ҳам айнан шу ўн кунлик ичидадир. Шу сабаб бу вақтда қилинган амаллар Аллоҳ учун энг маҳбуб саналади.

مَّا يَأْتِي الضُّفَاءَ: لَأَقَمَّ لَسَوَّوْهِيَ لَعُ هَلَلَا لِي لَصَّ هَلَلَا لُؤُسَرَّ نَأْ هَنْعُ هَلَلَا يَضَرَّبُ رِبَاجَ نَعَوِّ  
حُحَّ صُ هَدَّنَّ سَوُّ رَأَزَبُّ لَأْ هَأَوْرَءُ حُحَّ لَأْ يَدَرَّ شَعَّ يَنْعَيُّ رُشَعَّ لَأْ أَيْ نُدَلَا

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: **“Дунё кунларининг энг афзали ўн кунлик** (яъни зулҳижжанинг ўн куни)**дир”** (Баззор ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Уламолар зулҳижжанинг ўн кунлиги афзалми ёки рамазоннинг охирги ўн кунлиги афзалми, деган масалада ихтилоф қилишган. Аллома Ибн Қаййим бу борада қуйидаги фикрни билдирган: “Рамазоннинг охирги ўнлигининг тунлари зулҳижжанинг аввалги ўн кечасидан афзалдир. Зулҳижжанинг аввалги ўн куни рамазоннинг охирги ўн кунидан афзалдир. Арафа ва қурбонлик қилинадиган кун сабабидан зулҳижжанинг аввалги ўн куни афзал. Лайлатул қадр сабабидан рамазоннинг охирги ўн тунлиги афзал саналади”.

رُوِّ شَلَا دِّيَّ سَ: مَّ لَسَوَّوْهِيَ لَعُ هَلَلَا لِي لَصَّ هَلَلَا لُؤُسَرَّ لَأَقَّ رِي رُدُّ حُحَّ لَأْ دِيَّ عَسَّ يَبَّ أَعَوِّ  
هُدَّنَّ سَوُّ رَكَاسَعُ نَبَّ أَوُّ رَأَزَبُّ لَأْ هَأَوْرَءُ حُحَّ لَأْ وَدَّ مَّ حُحَّ هَأَمَّ طَعَّ أَوُّ نَأَضَمَّ رُؤَشَّ  
فِيَّ عَضَّ

Абу Саид Худрий розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Ойларнинг саййиди - рамазон, уларнинг ҳурмати энг баланди - зулҳижжадир”** (Байҳақий, Баззор ва Ибн Асокир ривояти. Ривоят санади заиф).

Уламолар рамазон ойи зулҳижжадан афзаллигини айтишган. Аслида ой ёки амаллар бир-биридан устун бўлади. Масалан, намоз рўзадан афзал. Бироқ бир кун рўза тутиш икки ракат намоздан яхшироқ.

Доримий ва Байҳақий саҳиҳ санад билан келтирган ривоятда айтилишича, Саид ибн Жубайр зулҳижжанинг ўн кунида ибодатга жидду жаҳд билан киришар, бошқа вақтда қилмаган саъй-ҳаракатини айнан шу ўн кунликда қиларди.

الْوَهْلُ لِلذَّنْعِ مَطْعِ الْمَائِيَّ نَمَامَ لِقَاقِ مَلَسَوَّهِ لَعْلَلِ لِيَصَّيْبُ النَّبَّ لِنَا عَرَمُ عِنْبَانِ وَعَوَّ  
لِيَلَّهْتَلَانِ مِّنْ نَّهَيْفِ أَوْرَثُكَ أَفْرَشَ عِلْمِ الْمَائِيَّ لِهَدِّهِ نَمِّنْ نَهَيْفَ لَمَّ عِلْمَانِ مِّنْ نَّهَيْفِ لِيَلَّهْتَلَانِ  
هُدْنَ سَوَّهَبَيْشِ بَابِ نَبَّ أَوْ بِنَارِ بَطَّلَانِ أَوْ يِقْوَيْهِ بَلَّ أَوْ دَمَّ حَأْهَ أَوْ رِدِي مَحَّتْ لَأَوْ رِي بَلَّ كَتَلَانِ  
حَيْحِصْ

Ибн Умар розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Аллоҳ наздида ушбу ўн кунликда қилинадиган солиҳ амаллардан кўра улугроқ ва севимлироқ амал йўқдир. Бас, ушбу (кун)ларда таҳлил, такбир ва таҳмидни кўпайтиринглар!”** (Аҳмад, Байҳақий, Табароний ва Ибн Абу Шайба ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятга кўра, зулҳижжанинг аввалги ўн кунлигида “лаа илааҳа иллаллоҳ”, “аллоҳу акбар” ва “ал-ҳамду лиллааҳ” калималарини кўп айтиш яхши экан.

Аввал айтиб ўтилганидек, зулҳижжанинг ўн кунида қилинадиган амаллар Аллоҳ учун энг маҳбуб саналади. Шу билан бирга мазкур вақтда Аллоҳ учун севимли бўлган зикр амалга оширилса, нур устига нур бўлади. Фазилатли амал фазилатли вақтда бажарилиши қилинаётган иш учун кўпроқ ажр олиниши ва ундан кўзланган мақсад рўёбга чиқишига сабаб бўлади.

Маълумки, солиҳ амаллар тури кўп. Уларни санаш учун анча саҳифани қоралашга тўғри келади. Ўша амаллар ичида энг афзалларидан бири бу – рўзадир. Зулҳижжанинг аввалги ўн кунлигида рўза тутиш ҳақида ривоятлар бор. Қуйида улардан баъзиларини ўрганамиз.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَعْلَالٌ لَصَّصَ لَلِوَسْرَةَ أَيَّامًا: تَلَّاقَ أَهْنَعُ لَلِإِيضَرَ شَائِعًا نَعْمَ يَزُحُّ نَبَأُ دَمْحَاوٍ وَدَوَادٍ وَبَأُ مَلْسُ مِأَوْرٍ. طَقِرْ رَشَعْلَا فِي أَمَائِصَ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: **“Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўн кунликда бирон марта рўза тутганларини кўрмаганман”** (Муслим, Абу Довуд, Аҳмад ва Ибн Хузайма ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам зуҳлҳижжанинг аввалги тўққиз кунида рўза тутганлари ҳақида бошқа ривоятлар бор. Шу сабаб уламолар Оиша розияллоҳу анҳонинг бу ривоятини бир неча хил таъвил қилишган. Жумладан:

У зот касаллик ёки сафар туфайли ушбу ўн кунлик рўзасини тутмаган бўлишлари мумкин;

Оиша розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу кунларда рўза тутганларини кўрмаган ёки эътибор бермаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Яна Аллоҳ билгувчиروқдир!

Мазкур ривоятнинг зоҳирига назар ташласак, зулҳижжанинг аввалги ўн кунида, тўғрироғи, тўққиз кунида рўза тутиш макруҳлиги келиб чиқади. Аммо уламолар бошқа ривоятларни ҳам ўрганиб чиққач, бу кунларда рўза тутиш мустаҳаблиги таъкидлашган.

Биз бу ерда Оиша розияллоҳу анҳонинг ривоятини маълумот учун, қилинаётган иш холис ва оз бўлса ҳам мукамал бўлиши учун келтирдик. Энди бошқа ривоятларни ўрганамиз.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَعْلَالٌ لَصَّصَ لَلِوَسْرَةَ أَيَّامًا نَعْرِدُ لِأَخْرَبَ دَيْنُهُ نَعْمَ وَمَوِيَّةَ حَلَالٍ يَدْعُ سَتْمُوصِيَّ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَعْلَالٌ لَصَّصَ لَلِوَسْرَةَ أَيَّامًا: تَلَّاقَ دَوَادٍ وَبَأُ هَاوْرٍ. سَيَمَحُّ لَأَوْرَهُ شَلَالًا مِنْ نَيْتِ اللَّوْزِ رَهْ شَلُّكَ نَمْرَمَائِيَّ أَيْ أَثَالَتِ وَأَرْوُشَاعَ حَيَّحَصُّ هَدَنَسٌ وَيَقِي هَبَّ لَأَوْرَهُ دَمْحَاوٍ وَيَأْسَنُّ لَأَوْرَهُ.

Ҳунайда ибн Холид хотинидан, у Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам завжаларининг баъзисидан ривоят қилади: **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам зулҳижжанинг тўққиз куни, Ашуро куни ва ҳар ойда (душанба ва пайшанбадан бошлаб) уч кун рўза тутардилар”** (Абу Довуд, Насоий, Аҳмад ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятда айтилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам зулҳижжанинг аввалги тўққиз кунида, Ашуро куни ва ҳар ойда уч кун

рўза тутардилар.

Зулҳижжанинг ўнинчи куни Қурбон ҳайити бўлиб, бу кунда рўза тутиш мумкин эмас. Шу сабаб рўза ҳақида гап кетганда “Зулҳижжанинг тўққиз кунда рўза тутиш” ибораси ишлатилади.

Ашуро куни муҳаррам ойининг ўнинчи куни. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мазкур ойнинг ўнинчи куни рўза тутиб юрганлар. Вафотларидан бир йил олдин яҳудийлар ҳам шу куни рўза тутишларидан хабар топгач, келаси йили тўққизинчи куни ҳам рўза тутишни ният қилганлар. Аммо бу нарса у зотга насиб қилмаган. Шундай бўлса-да, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзлари ва ниятлари шаръий қоида бўлиб қолиб, Ашуро кунининг ёлғиз ўзида эмас, балки тўққизинчи ёки ўн биринчи кунини қўшиб рўза тутиш мақсадга мувофиқдир.

Қуйидаги ривоятда зулҳижжанинг ўн кунлигида тутиладиган рўзанинг фазилатидан хабар берилади.

نَهَلْهَلْ لَإِلْبَحْ أَيْ نَمَامَ: لَأَقَمَّ لَسَوَّوْهَيْ لَعُ هَلْ لَإِلْ صَيَّ بِنَ لَإِنَ عَ رَؤِي رُهْ بِي أَبْنَع  
مُأَي قَوَّوَّ نَسْمَ أَيْ صَبْ أَهْنَمْ مَوْيَّ لُكْ مُأَي صُ لُدُعَيْ دَجَّ لَإِي ذِرْ شَعْنَمْ أَيْ فُ هَلْ دَبَّ عَتْي  
هُدَّنَسْ وَيَقَّهَيْ بَلْ أَوْ هَجَامُ نَبْ أَوْ يذِمُّ رَّتْ لَإِي هَ أَوْ رَدَّقْ لَإِي لَ مَ أَيْ قَبْ أَهْنَمْ رَّهَيْ لَ لُكْ  
فِي عَضْ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Аллоҳ учун ибодат қилинишга зулҳижжанинг ўн кундан севимлироқ кунлар йўқдир. Унинг ҳар кунлик рўзаси бир йиллик рўзага, ҳар тундаги ибодат Лайлатул қадрдаги ибодатга тенгдир”** (Термизий, Ибн Можа ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади заиф).

Демак, қайси банда зулҳижжанинг аввалги тўққиз кунда ихлос билан рўза тутса, тўққиз йиллик рўзанинг савобига эришади. Зулҳижжанинг аввалги ўн кечасини бедор ўтказган, таҳажжуд намози ўқиган, зикр, тиловат ва шу каби ибодатлар билан машғул бўлган банда ўн марта Лайлатул қадр кечасида қоим бўлганлик савобини қўлга киритади. Лайлатул қадр кечаси қоим бўлиш минг ой, тахминан, саксон икки йилдан кўпроқ ибодат савобига тенг экани кўпчилигимизга маълум.

Демак, зулҳижжанинг бу фазилатли кун ва тунларини ғанимат билиб, улардан оқилона фойдалансак, охиратимиз учун чексиз ва қимматли заҳира тўплаб, қиёмат куни мезонимиз оғир бўлишига сабаб амалларни бажарган бўламиз.